

**MANAGEMENT AND ECONOMICS
SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL**

**MENEJMENT VA IQTISODIYOT
ILMIY-TADQIQOT JURNALI**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ЖУРНАЛ МЕНЕДЖМЕНТА И ЭКОНОМИКИ**





MANAGEMENT AND ECONOMICS SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL

☎ +998 95 651 90 00

✉ journals@timeedu.uz

📍 Shota Rustaveli ko'chasi, 114

🌐 tmijournals.ndc-agency.uz

✈ @TMII_ilmiy_bolim

Bosh muharrir:

Narbayev Sharafatdin Kengeshovich

Bosh muharrir o'rinbosari:

Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi

Muharrir:

Qarshiyeva Shahnoza Davlatovna

Tahrir hay'ati:

1. Sharipov Kongratbay Avezimbetovich – O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri, texnika fanlari doktori, professor.
2. Axmedov Xojiakbarxon Dilshatovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti rektori, iqtisod fanlari nomzodi (PhD ekvivalenti), dotsent.
3. G'ulomov Saidahrar Saidaxmedovich – O'zbekiston Fanlar akademiyasi akademigi, iqtisod fanlari doktori, professor.
4. Mamatov Narzullo Solidjonovich – "Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti" Milliy tadqiqot universiteti professori, texnika fanlari doktori.
5. Sultonov Mansur Qilichovich – Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi "Inno" innovatsion o'quv-ishlab chiqarish texnoparki bosh direktori, texnika fanlari doktori, dotsent.
6. Muxamediyeva Dildora Kabilovna - Toshkent axborot texnologiyalari universiteti professori, texnika fanlari doktori
7. Chertovitskiy Aleksandr Stepanovich – Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Milliy tadqiqot universiteti professori, iqtisod fanlari doktori.
8. Popkova Yelena Gennadyevna – Rossiya Federatsiyasi "Ilmiy aloqalar instituti" prezidenti, iqtisod fanlari doktori, professor.
9. Doktor Go Khang Wen – Malayziyaning INTI xalqaro universiteti prorektori, PhD.
10. Wang Cheng – Xitoy Xalq Respublikasidagi "Xebey mexanika va elektrotexnika texnologiyalari instituti" dotsenti, fan nomzodi.
11. Yo'ldoshev Nuritdin Qurbonovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti professori, iqtisod fanlari doktori.
12. Akramov Tohir Abdiraxmonovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti professori, iqtisod fanlari doktori.
13. Temirov Abdulaziz Alimjonovich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti dotsenti, iqtisod fanlari nomzodi.
14. Rajabov Nazirdjon Razzakovich – Alfraganus universiteti Xalqaro ilmiy jurnallar va reytinglar kafedrasini mudiri, iqtisod fanlari nomzodi.
15. Xotamov Ibodullo Sa'dulloyevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti professori, iqtisod fanlari nomzodi.
16. Kadirova Istora Bobirovna – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Karyera markazi direktori, falsafa fanlari doktori.
17. To'raqulov Otabek Xolmizrayevich – Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasini mudiri, texnika fanlari falsafa doktori.
18. G'iyosidinov Boburbek Baxtiyorovich – Toshkent davlat transport universiteti dotsenti vazifasini bajaruvchi, falsafa fanlari doktori.

MUNDARIJA

Yo'ldoshev N.Q.	Boshqaruv qarorlarini texnik-iqtisodiy asoslash zarurligi	4
Anarkulova G. M.	Iqtisodiy yo'nalishda mutaxassislar tayyorlash jarayonida o'yinli texnologiyalardan foydalanish metodikasi	10
Kazakov A.N., Khakberdiev M.R., Khamitov N.A., Turgunov Sh.Sh.,	Study of stress-strain state of rocks	20
Abdulloyev A.J., Qosimova H.J.	Mintaqaviy sanoatlashuv jarayonlarini xalqaro standartlarga moslashtirish imkoniyatlari	28
Tursunova M.R.	O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotning jadallashuvi jarayonida olib borilayotgan islohotlar <i>yyt 338</i>	41
Zoirov S.Z.	Raqamli iqtisodiyot sharoitida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning rivojlanish istiqbollari	50
Sodiqov M.A.	Ishlab chiqarish xarajatlarining tarkibi va ularni pasaytirish usullari	58
Raximqoriyeva N.A.	Motivating employees' work in enterprises	71
Navruz-zoda L.B.	Kichik biznesda innovatsion rivojlanish: xorijiy tajriba asosida sun'iy intellekt texnologiyalarini qo'llash imkoniyatlari	89
Baxanurov O.O.	Iqtisodiyot va siyosat o'zaro ta'sirida mintaqaviy biznes istisnolari: siyosiy-iqtisodiy tahlil	95
Qodirov S.Q.	Globalizatsiya sharoitida marketing va menejment uyg'unligi: xalqaro tajriba va o'zbekiston uchun saboqlar	104
Xotamov I.S.	Sanoat korxonalarida "yashil" texnologiyalardan foydalanishni rag'batlantirish mexanizmlari	107
Gofurov D.B.	Bank-moliya tizimida raqamli transformatsiya: imkoniyatlar va xavflar	122
Жўраев И.И.	Тижорат банклари ресурс салоҳиятини оширишда депозит сиёсатининг роли	134
Абдураимова Н.Р.	Реструктуризация в сфере обеспечения занятости в Республике Узбекистан: анализ институциональ-ных изменений и их влияние на рынок труда	147
Фарходова Ш.Ш.	Сокращение неравенства доходов и бедности в Узбекистане	163
Ахмаджонов А.К.	Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувларини яқунлаш методологиясини такомиллаштириш	168

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ РЕСУРС САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДА ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИНГ РОЛИ

Жўраев Исроил Иброхимович

ТДИУ, “Халқаро молия” кафедраси доценти

ORCID.org/0000-0002-5607-0089

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларининг депозит сиёсати ва унинг молиявий барқарорлик ҳамда ликвидлик бошқарувига таъсири назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Банк депозитларининг банк тизимининг узоқ муддатли барқарорлиги ва ликвидлик рискларига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида кўриб чиқилган. Шунингдек, депозитларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш, ликвидлик рискларини минималлаштириш ва макроқўтисодий ўзгаришларга мослашувчан фойз сиёсати юритиш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: депозит сиёсати, банк ликвидлиги, молиявий барқарорлик, муддатли депозитлар, жамғарма депозитлар, фойз сиёсати, инфляция таъсири, кредитлаш имкониятлари, банк ресурслари, макроқўтисодий таҳлил, молиявий рисклар.

Abstract. This article analyzes the deposit policy of commercial banks and its impact on financial stability and liquidity management from a theoretical and practical perspective. Bank deposits are considered the main factor influencing the long-term stability and liquidity risks of the banking system. Evidence-based proposals are developed to improve the efficiency of deposit collection, minimize liquidity risks, and maintain interest rate policy flexibility in response to macroeconomic changes.

Keywords: deposit policy, bank liquidity, financial stability, term deposits, savings deposits, interest rate policy, inflation effects, lending capacity, bank resources, macroeconomic analysis, financial risks.

Аннотация. В данной статье анализируется депозитная политика коммерческих банков и её влияние на финансовую устойчивость и управление ликвидностью с теоретической и практической точек зрения. Банковские депозиты рассматриваются как основной фактор, влияющий на долгосрочную устойчивость и риски ликвидности банковской системы. Разработаны научно обоснованные предложения по повышению эффективности привлечения депозитов, минимизации рисков ликвидности и поддержанию гибкости процентной политики к макроэкономическим изменениям.

Ключевые слова: депозитная политика, банковская ликвидность, финансовая устойчивость, срочные депозиты, сберегательные депозиты, процентная политика, инфляционные эффекты, возможности кредитования, банковские ресурсы, макроэкономический анализ, финансовые риски.

Кириш. Замонавий банк асосий омиллардан бири тизимида депозит сиёсати тижорат ҳисобланади. Банклар томонидан банкларининг молиявий жалб қилинган депозитлар нафақат барқарорлиги ва ривожланиш ликвидликлари таъминлаш, балки стратегиясини белгилаб берадиган кредит бериш ва инвестиция

фаолияти учун муҳим молиявий манба сифатида хизмат қилади. Шу боис, депозитларни самарали бошқариш ва уларни жалб қилиш механизмларини такомиллаштириш банклар учун устувор вазифалардан бирига айланмоқда. Айниқса, глобал иқтисодиётдаги ўзгаришлар, рақамли банклаштириш жараёнларининг жадаллашуви ва мижозларнинг молиявий рағбатларини индивидуаллаштиришга бўлган талаб депозит сиёсатига янги ёндашувларни талаб қилмоқда.

Банк ресурсларини шакллантириш жараёнида депозитларнинг турли шакллари ва уларнинг муддати муҳим ўрин тутди. Талаб қилиб олингунигача депозитлар банклар учун ликвидликни таъминласа, узоқ муддатли депозитлар кредитлаш фаолияти ва инвестиция сиёсатини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга. Банклар учун депозитларнинг муддатли таркиби уларнинг молиявий хавфларини бошқариш, актив ва пасивлар ўртасидаги балансни таъминлашда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу сабабли, депозит сиёсатини шакллантиришда тижорат банклари бозор конъюнктураси, фоиз ставкалари динамикаси ва мижозлар сегментларининг талабларини чуқур таҳлил қилиши зарур. Бунда, сунъий интеллект ва маълумотларни таҳлил қилиш

технологияларидан фойдаланиш орқали депозит стратегиясини шахсийлаштириш ва оптималлаштириш имконияти кенгаймоқда.

Тижорат банкларининг депозит сиёсати уларнинг рақобатбардошлигини белгилайдиган асосий воситалардан бири ҳисобланади. Чунки банклар томонидан таклиф этилаётган депозит маҳсулотларининг турлари, фоиз ставкалари ва рағбатлантирувчи механизмлари мижозлар ишончини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Бозордаги барқарорлик ва банклараро рақобат шароитида депозит базасини мустаҳкамлаш учун банклар инновацион ёндашувлардан, жумладан, рақамли депозит хизматларидан, мобил банкинг платформаларидан ва ихтисослаштирилган молиявий инструментлардан фойдаланишлари талаб этилади. Шунингдек, депозитлар базасининг самарали бошқарилиши банкларнинг умумий ликвидлилик хавфларини камайтириб, уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи.
Г.Г.Коробованинг фикрича “Депозит сиёсати – бу тижорат банки томонидан банк ресурсларини шакллантириш, уларни режалаштириш ва тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган

шакллар, вазифалар ва банк фаолияти мазмунини белгилашга қаратилган чора-тадбирлар йиғиндисидир”.

Tertychna, N. V.нинг таъкидлашича, депозит сиёсати деганда банкнинг депозитларни жалб қилиш, уларни самарали бошқариш ва ресурс базасини барқарорлаштириш бўйича амалга ошириладиган мақсадли фаолияти тушунилади. Депозит сиёсати банкнинг барқарор фаолият юритиши ва рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган стратегия сифатида намоён бўлиб, депозит операцияларини ташкил этиш, мижозлар базасини кенгайтириш, депозит хизматлари кўрсатиш сифатини ошириш ва ликвидликни бошқариш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Hrabar, Zh. V. ва Maliasova, I. V.нинг таъкидлашича, депозит сиёсати самарадорлиги деганда банк томонидан жалб қилинган депозитларнинг миқдорини ошириш, уларни диверсификация қилиш ва ресурс базасини барқарорлаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тушунилади. Уларнинг фикрига кўра, банк ликвидлигини самарали бошқариш ва молиявий барқарорликни таъминлаш учун депозит сиёсати муҳим ўрин тутди. Депозит сиёсати самарадорлигини ошириш мақсадида банклар янги мижозларни жалб қилиш, депозит

хизматларини кенгайтириш ҳамда мавжуд мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари зарур.

Герасименко Р.А.нинг тадқиқотларига кўра, депозит сиёсати тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағларнинг таркибини шакллантириш, уларнинг миқдорини ошириш ва диверсификация қилишга йўналтирилган стратегик режалар ва амалий тадбирлар тизимини англатади. Унинг таъкидлашича, депозит сиёсати банкнинг ликвидлигини сақлаш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ресурс базасини узоқ муддатли тарзда мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши лозим. Бунда банкнинг мақсади, мижозларнинг турли талабларини қондириш орқали депозитлар миқдорини ошириш ва уларни самарали бошқаришдир.

Жуков Е.Ф. ўз тадқиқотларида депозит сиёсати деганда тижорат банклари томонидан мижозлардан депозитлар жалб қилиш ва уларни бошқариш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар тизимини тушунади. Унинг таъкидлашича, депозит сиёсати банк учун ликвидликни таъминлашнинг асосий воситаларидан бири бўлиб, бу банк фаолиятининг барқарорлиги ва рентабеллигини оширишда муҳим

аҳамият касб этади. Жуковнинг фикрича, самарали депозит сиёсати мижозларни жалб қилиш, уларни узоқ муддатли сақлаб қолиш ва фоиз ставкаларини оптимал даражада белгилаш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Жуков Е.Ф.нинг фикрича, фоиз ставкалари ва мижозларни жалб қилиш механизми депозит сиёсатида муҳим роль ўйнайди. Унинг назарий ёндашувига кўра, фоиз ставкаларини мослаштириш орқали тижорат банклари турли мижозлар сегментларининг талабларини қондириш имкониятига эга бўлади. Шу орқали банклар ўз ликвидлик хавфларини камайтириш ва депозит ресурсларини оптималлаштиришга эришади. Жуков мижозларнинг турли эҳтиёжларига мос келувчи фоиз ставкаларини ишлаб чиқиш орқали банклар рақобатбардошлигини оширишини ва депозит операцияларини самарали бошқариш имкониятига эга бўлишини таъкидлайди.

Тижорат банклари учун депозит сиёсати самарадорлиги банкнинг ликвидликни сақлаш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар тўпламидир. Депозитларнинг миқдорини ошириш, уларни диверсификация қилиш, янги мижозларни жалб қилиш ва мавжуд мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни

сақлаш орқали банклар ўз рақобатбардошлигини оширишлари мумкин. Шунингдек, депозит хизматларини кенгайтириш орқали депозит сиёсати самарадорлигини кучайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот методологияси таҳлил ва синтез, моделлаштириш, иқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш, ҳамда таққослама таҳлил усулларини ўз ичига олади. Таҳлил ва синтез усуллари банк депозит сиёсати ва унинг элементларини чуқур ўрганишга қаратилган. Моделлаштириш усули ёрдамида депозитлар структурасини оптималлаштиришга оид сценарийлар ишлаб чиқилади. Иқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш орқали депозит сиёсатининг самарадорлиги ўрганилади. таққослама таҳлил эса депозит сиёсати бўйича хорижий ва миллий тажрибаларни таҳлил қилишга имкон беради.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.


Тижорат банкларининг депозит сиёсати самарадорлигини баҳолашда асосий эътибор депозитлар динамикаси, фоиз ставкалари ва ликвидлик ҳолатига қаратилмоқда. Охирги йилларда банклараро рақобат кучайиши, мижозлар талабларининг ўзгариши ва

рақамли банк хизматларининг оммалашиши депозит сиёсатига сезиларли таъсир кўрсатди. Айниқса, муддатли депозитларнинг улуши банк ликвидлиги ва молиявий барқарорликни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, фоиз ставкаларидаги балансни сақлаш депозит ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Шунингдек, бихевиористик иқтисодиёт назарияси асосида ишлаб чиқилган механизмлар банклар учун мижозларни жалб қилиш ва депозит муддатларини узайтиришга имкон яратади.

Банкларнинг депозит сиёсатида рақамли технологиялардан фойдаланиш тенденцияси ҳам кескин ўсиб бормоқда. Сунъий интеллект ва Big Data технологиялари орқали мижозларнинг молиявий хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш ва шахсийлаштирилган депозит таклифларини тақдим этиш натижасида депозит базасини мустаҳкамлаш имконияти ортади. Ҳозирги глобал иқтисодий ўзгаришлар фонида депозитлар бўйича кафолат тизимини кучайтириш ва мижозлар ишончини ошириш ҳам самарадорликка таъсир этувчи муҳим омиллардан биридир. Депозит кластерларини жорий этиш ва фоиз ставкалари бўйича турли сегментлар учун

мақбул таклифлар ишлаб чиқиш банкларнинг молиявий барқарорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Депозит сиёсати банкнинг фоиз сиёсатида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб, у тўғридан-тўғри депозит ва кредит фоиз ставкаларининг шаклланишига таъсир қилади. Агар банк депозитларни жалб қилишда юқори фоиз ставкаларини таклиф этса, бу кредитлар учун фоиз ставкалари ҳам ошишига олиб келади, чунки банк ўз харажатларини қоплаш ва фойда маржасини сақлаб қолишга интилади. Шу билан бирга, депозитлар бўйича паст фоиз ставкалари банкнинг маблағ жалб қилиш имкониятларини чеклаб, ликвидликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бозордаги умумий макроиқтисодий муҳит, Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати ва инфляция даражаси ҳам депозит ва кредит фоизларининг динамикасига таъсир қилувчи муҳим факторлар ҳисобланади. Шу боис, тижорат банклари депозит сиёсатида оптимал балансни сақлаб қолиши, яъни ликвидликни таъминлаш билан бирга кредитлаш жараёнини ҳам самарали ташкил этиши зарур.



1-расм. Тижорат банклари депозитлари ва кредитларининг ўртача тортилган фоиз ставкалари динамикаси

Манба: www.cbu.uz. - Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.

Банклар учун депозит ва кредит фоиз ставкалари ўртасидаги фарқ асосий даромад манбаи ҳисобланади. Агар банк кредитлар бўйича юқори фоиз ставкаларини белгиласа, у ҳолда фоиз маржасини сақлаб қолиш ва фойда олиш имконияти кучаяди. Шу билан бирга, банклар депозитлар бўйича ставкаларни пасайтириш орқали ўз харажатларини минималлаштириб, ликвидликни самарали бошқариши мумкин. Бунда банк ресурслари узоқ муддатли молиялаштириш ва инвестицияларга йўналтирилиши мумкин, бу эса уларнинг молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Юқори фоизли кредитлар бозорда қарз олишни чеклаб, банклар учун кредит талабининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Агар кредит олувчилар кредитларни тўлашни қийинлаштиради, бу банклар учун хавфни оширади ва муаммоли кредитлар улушининг ўсишига олиб келади. Шунингдек, агар банклар депозитлар бўйича паст фоиз таклиф қилса, миқдорлар ўз маблағларини банкдан чиқариб олиб, инвестиция ёки бошқа даромадли активларга йўналтириши мумкин. Бу ҳолат банклар учун ликвидлик муаммоларини келтириб чиқариши мумкин ва уларни депозит жалб қилиш стратегияларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилади.

Миқдорлар учун юқори депозит фоизлари ўз маблағларини банкка жойлаштириб, пассив даромад олиш имкониятини оширади. Айниқса, банклар томонидан рақобат

муҳитида мижозларни жалб қилиш учун турли имтиёзли депозит маҳсулотлари таклиф қилинса, бу мижозлар учун янада фойдали бўлади. Шунингдек, банкларнинг турли депозит вариантларини таклиф қилиши мижозларга ўз молиявий режаларини самарали йўналтириш имконини беради. Бозордаги рақобат мижозларга банкларнинг турли фоиз сиёсатларини таққослаш ва улар учун энг мақбул шароитларни танлаш имкониятини яратади.

Юқори кредит фоизлари мижозлар учун асосий муаммолардан бири бўлиб, бу айниқса жисмоний шахслар ва кичик бизнеслар учун молиявий юкни оширади. Агар банклар кредит

фоизларини жуда юқори даражада белгиласа, бу қарз олиш имкониятларини чеклаб, бизнеснинг инвестиция фаолиятини сустрлаштириши мумкин. Шу билан бирга, агар депозит фоизлари инфляция даражасидан паст бўлса, мижозларнинг ҳақиқий даромади камаяди ва уларнинг молиявий режаларига салбий таъсир кўрсатади. Банклар томонидан кредитлар учун қўшимча кафолат ва хужжатларни талаб қилиниши ҳам мижозлар учун ноқулайликлар яратиши мумкин, бу эса кредитга бўлган талабни пасайтириб, бозорда молиявий ҳаракатчанликни камайтиради.

1-жадвал

Тижорат банклари депозитларининг муддатига кўра таснифланиши

Сана	Жами	шу жумладан:		
		талаб қилиб олингунча	жамғарма	муддатли
1	2	3	4	5
2019	100,0	44,6	9,3	46,1
2020	100,0	46,9	9,7	43,4
2021	100,0	44,3	8,8	46,9
2022	100,0	46,5	10,7	42,8
2023	100,0	36,4	10,0	53,6
2024	100,0	34,0	9,5	56,5

Манба: www.cbi.uz. - Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.

Жадвал таҳлилига кўра, 2020-2025 йиллар давомида депозит таркибида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Асосий тенденция – талаб қилиб олингунча

сақланадиган депозитлар улушининг камайиши ва муддатли депозитларнинг улуши ортиши. Агар 2020 йилда талаб қилиб олингунча сақланадиган

депозитлар 44,6% ни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 34,0% га тушган. Бу ҳолат банк мижозларининг ўз маблағларини банкда узоқроқ муддат сақлашга мойиллиги ошганини ва муддатли депозитларга бўлган ишонч ортганини кўрсатади.

Шу билан бирга, муддатли депозитлар улушининг 46,1% дан 56,5% га ошиб бориши банклар учун ижобий ҳолат ҳисобланади, чунки бу уларга узоқ муддатли молиялаштириш манбаларини мустақамлаш имкониятини беради. Айниқса, 2023 йилдан бошлаб муддатли депозитлар улуши кескин ўсгани, банклар томонидан ушбу турдаги омонатларга берилаётган фоиз ставкалари ва бошқа рағбатлантирувчи механизмлар мижозларни жалб қилишда муҳим ўрин тутганини

кўрсатади. Шу билан бирга, жамғарма депозитлар улуши 2020 йилда 9,3% бўлган бўлса, 2025 йилда 9,5% га тушган, бу эса мижозларнинг узоқ муддатли омонатлардан кўра муддатли депозитларни афзал кўраётганини англатади.

Умуман олганда, бу ўзгаришлар банклар учун ижобий сигнал ҳисобланади, чунки муддатли депозитларнинг улуши ортиши уларнинг ликвидлик хавфларини камайтиради ва кредитлаш учун барқарор ресурс базасини яратишга ёрдам беради. Шунингдек, бу тенденция мижозларнинг банк тизимида бўлган ишончи мустақамланаётганини ва уларнинг молиявий режалаштириш амалиёти кучаяётганини кўрсатади.

2-жадвал

Банк депозитларининг таркибий динамикаси ва ликвидлик кўрсаткичлари

Йил	Талаб қилиб олинганча (%)	Муддатли депозитлар (%)	Жамғарма депозитлар (%)	Ликвидлик қоплаш меъёри (мин. талаб 100%)	Соф барқарор молиялаштириш меъёри (мин. талаб 100%)	Лаҳзали ликвидлик меъёри (мин. талаб 25%)
2019	44,6	46,1	9,3	208,5%	112,8%	47,8%
2020	46,9	43,4	9,7	224,5%	109,9%	67,4%
2021	44,3	46,9	8,8	189,6%	115,4%	99,3%
2022	46,5	42,8	10,7	211,6%	115,6%	110,1%

2023	36,4	53,6	10	164,8%	111,8%	87,4%
2024	34	56,5	9,5	193,8%	115,3%	112,3%

Манба: www.cbu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.

Жадвалдаги кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, талаб қилиб олингунча депозитлар улуши юқори бўлган даврларда ликвидлиликни қоплаш меъёри (LCR) 224,5% ва 211,6% каби юқори даражада сақланган. Бу ҳолат банкларда тезкор тўлов қобилияти етарли эканлигини кўрсатади, лекин бундай ҳолат узоқ муддатли молиялаштириш учун таваккалчиликларни оширади. Бошқа томондан, муддатли депозитлар улуши ошган 2024-2025 йилларда банкнинг узоқ муддатли барқарорлик кўрсаткичлари яхшиланган, бу эса соф барқарор молиялаштириш меъёри (NSFR) 115,3% даражасида сақланишига ёрдам берган.

Шу билан бирга, лаҳзали ликвидлилик меъёри динамикасини таҳлил қилиш банкнинг қисқа муддатли молиявий барқарорлигини баҳолашга имкон беради. Масалан, 2022-2023 йилларда бу кўрсаткич 99,3% ва 110,1% гача ошган, бу эса банкнинг тезкор тўлов қобилияти кучайганини кўрсатади. Аммо, 2024 йилда талаб қилиб олингунча депозитлар улуши пасайган ва муддатли депозитлар ошган, бу эса лаҳзали ликвидлилик меъёри 87,4% га тушишига олиб келган.

Шунингдек, ликвидлиликни қоплаш меъёри (LCR) ҳам 164,8% га пасайган, бу банкнинг қисқа муддатли молиялаштириш ресурслари камайганини англатади. Бироқ, 2025 йилга келиб муддатли депозитлар улушининг ошиши билан банкнинг лаҳзали ликвидлилик меъёри яна 112,3% га ошган, бу эса тўлов қобилияти барқарорлашганини кўрсатади. Умуман олганда, депозит таркибининг ўзгариши банк ликвидлиги ва молиялаштириш барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатиб, банк бошқаруви учун мувозанатни таъминлаш зарурлигини кўрсатади.

Банк депозитлари мамлакат молиявий тизимининг асосий устунларидан бири бўлиб, уларнинг динамикаси иқтисодиётдаги барқарорлик, инвестициявий фаоллик ва пул-кредит сиёсатининг самарадорлигини акс эттиради. Депозитлар улушининг ЯИМдаги нисбати, инфляция даражаси ва мажбурий захира нормаси каби кўрсаткичлар банк сектори ва умумий макроиқтисодий муҳит ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунишга имкон беради. 2019-2024 йиллар давомида депозитлар қолдиғи ва ЯИМ ҳажмидаги ўзгаришлар, инфляциянинг

пасайиш тенденцияси ва мажбурий захира нормасининг барқарор сақланиши мамлакатда банк тизими ривожланишининг турли босқичларини намоён этди.

Қуйидаги жадвалда депозитларнинг иқтисодиётдаги улуши ва уларга таъсир этувчи асосий макроиқтисодий омиллар таҳлил қилинади.

3-жадвал

Мамлакатимиз банк тизими депозитлари ва макроиқтисодий параметрлар

Йил	Депозитлар қолдиғи қолдиғи	ЯИМ, млрд.сўм	Инфляция даражаси	Мажбурий захира нормаси, фоизда (миллий валютада)	Депозитларни ЯИМдаги улуши, %
2019	91009	532712,5	15,2	4	17,1
2020	114747	605514,9	11,2	4	19,0
2021	156190	738425,2	10,0	4	21,2
2022	216738	888341,7	12,3	4	24,4
2023	241687	1066500,2	8,7	4	22,7
2024	308693	1454 573,9	8,8	4	21,2

Манба: www.cbu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.

Таҳлил қилинаётган даврда депозитларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2022 йилда 24,4% га етган бўлса, кейинги йилларда 22,7% дан ва 21,2% гача пасайган. Бу банк тизимидаги ресурслар базасининг иқтисодиётдаги умумий молиявий оқимларга нисбатан камайишини англатади. Бундай тенденция банклар томонидан узоқ муддатли кредитлаш имкониятларини чеклаб, капитал бозорларига бўлган эҳтиёжни ошириши мумкин. Шунингдек, депозит улушининг пасайиши банк ликвидлигига бевосита таъсир қилади, бу эса банклар томонидан молиялаштириладиган инвестициявий лойиҳаларнинг чекланишига сабаб бўлиши мумкин. Ликвидликнинг пасайиши, ўз навбатида, банклар томонидан

кредит фоизларининг ошишига олиб келиши ва бу эса хусусий сектор ҳамда аҳоли учун молиялаштириш харажатларини кўпайтириши мумкин.

Инфляция даражасининг 2019 йилда 15,2% дан 2024 йилда 8,8% га пасайиши, назарий жиҳатдан, иқтисодиётда пул массасининг яхшироқ бошқарилганини кўрсатади. Бироқ, инфляция пасайишига қарамай, депозитларнинг ЯИМга нисбатан улуши ҳам пасаймоқда. Бу ҳолат мижозлар томонидан депозитларни сақлашга бўлган қизиқиш камайиб, капиталнинг банк тизимидан ташқаридаги молиявий инструментларга йўналтирилганини кўрсатиши мумкин. Агар банклар депозитларни сақлаб қолиш учун юқори фоиз

ставкаларини таклиф қилишни кучайтирса, бу банк харажатларини ошириб, уларнинг фоиз маржасини пасайтиради. Шунингдек, депозит ставкалари ошса, Марказий банк томонидан монетар сиёсатни юмшатиш имкониятлари чекланиши мумкин, бу эса иқтисодиётдаги умумий фаолликни пасайтириш хавфини келтириб чиқаради.

Депозитлар қолдиғи 2019 йилдан 2024 йилга қадар 3,4 баробарга ошган. Бу банклар томонидан фаол депозит сиёсатининг олиб борилганини ва аҳолининг омонатларини банк тизимида сақлашга бўлган ишончининг ошганини англатади. Бироқ, депозитларнинг ЯИМдаги улуши пасайгани банклар учун янги фоиз сиёсати йўналишларини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Агар банклар депозитлар жалб қилиш учун юқори фоиз ставкаларини таклиф қилса, бу кредитлар учун ҳам ставкаларнинг ошишига сабаб бўлади. Кредит бозоридаги бундай ўзгаришлар эса кичик ва ўрта бизнес субъектларининг молиявий харажатларини ортишига олиб келиши, инвестициявий жараёнларни секинлаштириши ва шу орқали иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жадвалда 2019-2024 йиллар давомида Марказий банк томонидан мажбурий заҳира нормаси ўзгармагани (4%) кузатилмоқда. Бу

банклар учун маълум даражада барқарорлик яратган бўлса-да, агар келгуси йилларда депозитларнинг ЯИМдаги улуши пасайишда давом этса, банкларнинг ликвидлик хавфи ошиши мумкин. Чунки мажбурий заҳира нормаси юқори бўлган ҳолатда банклар ўзларида сақлаб турган маблағларни иқтисодиётга киритиш имкониятларини чеклаши мумкин. Бу ҳолат банкларнинг ликвидлик бошқарувига нисбатан эҳтиёткорликни оширади ва айрим банклар томонидан юқори фоизли депозитлар таклиф қилиниши мумкин, бу эса кредит бозоридаги харажатларни ҳам ошириб юборади.

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган назарий ва амалий таҳлиллар шуни кўрсатадики, депозитларнинг ЯИМдаги улуши ва уларнинг иқтисодиётга таъсири банк секторининг барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. 2019-2024 йиллар давомида депозит қолдиғи муттасил ўсиш динамикасини намоён этган бўлса-да, 2023-2024 йилларда уларнинг ЯИМдаги улуши пасайгани кузатилмоқда. Бу ҳолат иқтисодиётда капитал оқимларининг диверсификацияланаётганини, молиявий бозор иштирокчилари томонидан банк омонатларига нисбатан альтернатив инвестиция воситаларига талаб ортиб бораётганини кўрсатади. Инфляция даражасининг пасайиши, банклар

томонидан муддатли депозитлар учун фоиз ставкаларининг оширилиши билан биргаликда, аҳоли ва бизнес субъектларининг узоқ муддатли жамғарма воситаларига бўлган ишончини оширишга хизмат қилган. Шу билан бирга, депозитларнинг умумий иқтисодий жараёнлардаги иштирок даражаси пасайиши банк тизимида молиявий ресурслар тақсимотининг самарадорлигини таъминлаш учун янги ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

Мазкур таҳлиллардан келиб чиқиб, депозит сиёсати макроиқтисодий муҳит ва банклар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг стратегик жиҳатдан қайта кўриб чиқилишини тақозо этади. Айниқса, банк тизимининг ликвидлик барқарорлигини таъминлаш мақсадида депозитларнинг муддатли тузилмасини оптималлаштириш, фоиз сиёсатини бозор эҳтиёжларига мослаштириш ва банк мижозлари учун депозитларнинг диверсификациясини ошириш долзарб вазифалардан бири сифатида қаралиши лозим. Шунингдек, депозитларнинг инвестиция фаолиятига интеграция қилинишини таъминлаш орқали иқтисодиётнинг реал сектори учун барқарор молиялаштириш манбаини шакллантириш талаб этилади. Бу эса узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашда

депозит ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятини яратади.

Тадқиқотлар натижасидан келиб чиқиб, мамлакатимиз банк амалиётида депозит сиёсатини самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Депозитлар диверсификация-сини кучайтириш ва мижозларга мослашган маҳсулотларни жорий этиш. Банклар депозит базасини мустаҳкамлаш учун аҳоли ва бизнес субъектларининг молиявий талабларини инобатга олган ҳолда, рақамли омонатлар, динамик фоизли депозитлар ва инвестиция депозитлари каби янги маҳсулотларни жорий этиши лозим. Бунда сунъий интеллект ва Big Data таҳлиллари орқали мижозларнинг молиявий хатти-ҳаракатларини ўрганиш ва шахсийлаштирилган депозит стратегияларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

2. Муддатли депозитларнинг улушини ошириш ва банк ликвидлигини барқарорлаштириш. Депозитларнинг узоқ муддатли сегментда жозибadorлигини ошириш мақсадида гибрид депозитлар, капиталлашув механизмига эга омонатлар ва инфляцияга боғлиқ фоизли депозитлар ишлаб чиқилиши зарур. Бу нафақат банкларнинг ликвидлик рискларини камайтиришга, балки мижозларнинг пассив

даромадларини сақлаб қолишга ҳам хизмат қилади.

3. Банк фоиз сиёсатида балансни сақлаш ва иқтисодиётдаги кредитлаш имкониятларини ошириш. Фоиз ставкаларидаги номутаносиблик банк молиялаштириш харажатларини ошириб, кредит фоизларининг ортишига олиб келиши мумкин. Банклар депозит ва кредит фоизлари ўртасидаги самарали балансни таъминлаш учун фоиз дифференциацияси моделини такомиллаштириши ва кредит ресурсларидан оқилона фойдаланиш стратегиясини шакллантириши лозим.

4. Марказий банк сиёсатида депозитларга мослашувчан ёндашувни шакллантириш. Марказий банкнинг мажбурий заҳира нормаларини бозордаги молиявий шароитларга мослаштириш орқали банк ликвидлигини ошириш имконияти

яратилиши мумкин. Мажбурий заҳира нормаларини секторлараро тартиблаштириш ва банк депозит базасининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган монетар сиёсат чораларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

5. Депозитлардан иқтисодиётни тўғридан-тўғри молиялаштириш имкониятларини ошириш. Депозитлардан тўғридан-тўғри реал секторни молиялаштиришга йўналтирилган инвестиция механизмларини шакллантириш талаб этилади. Банклар депозитларни инновацион молиявий инструментлар, масалан, "депозит-инвестиция облигациялари" билан боғлаш орқали иқтисодиётнинг турли секторларига капитал кириб келишини таъминлаши мумкин. Бу усул банк тизимининг фаол иштирокини ошириш ва узоқ муддатли инвестиция ресурсларини шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Банковское дело: учебник / под ред. д. э. н., проф. Г.Г. Коробовой. 2-е изд., перераб. и доп. М.: Магистр, ИНФРА-М, 2012.
2. Tertychna, N. V. "Improvement of the mechanism of formation of deposit policy of commercial banks of Ukraine", available at: <http://archive.nbuv.gov.ua> (Accessed 24 December 2017).
3. Hrabar, Zh. V. and Maliasova, I. V. "Features of forming a deposit portfolio of banking institutions", *Naukovyi ohliad*. 10. Kovalenko, M. O. (2017)
4. Герасименко Р.А. Депозитная политика банков и факторы, влияющие на ее формирование / Р.А. Герасименко, Е.И. Хорошева, В.В. Геросименко // Финансы, учет, банки – 2014. – №1. – С. 141–150.
5. Жуков, Е. Ф. Банковское дело : учебник для бакалавров / Е. Ф. Жуков. — Москва : Издательство Юрайт, 2012. — 591 с.
6. www.cbu.uz-Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.
7. www.cbu.uz-Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.
8. www.cbu.uz-Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.

9. www.cbu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Мараказий банки маълумотлари.

Ingliz tili muharriri: Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi
Musahhih: Vaxabova Marfua Mirkamalovna
Sahifalovchi va dizayner: Zoirov Sardor Ziyodin o'g'li

2025. № 3

© Materiallar ko'chirib bosilganda, **"Management and Economics Scientific Research Journal"** jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar mas'ul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pulli asosda chop etiladi.

El. pochta: journals@timeedu.uz

Tel.: +998 95 651 90 00

"Management and Economics Scientific Research Journal" jurnali 19.09.2024-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 404368-son reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan. Litsenziya raqami:

C-5669639

PNFL: 308906510

***Manzilimiz:** Toshkent shahar Yakkasaroy tumani
Shota Rustaveli ko'chasi, 114*